

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 26.04.2018. Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИБРАГИМОВА НОЗИМА КАМИЛЖАНОВНА

**VII – XII АСРЛАР ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАРДА
МОВАРОУННАҲР ВА ЯҚИН ШАРҚ
ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Historical Sciences**

Ибрагимова Нозима Камилжановна

VII – XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда
Мовароуннахр ва Яқин Шарқ элчилиги алоқалари..... 3

Ибрагимова Нозима Камилжановна

Посольские отношения Мавараннахра
и Ближнего Востока в источниках VII – XII вв.
по истории ислама 27

Ibragimova Nozima Kamiljanovna

Ambassadorial relations of Mawarannahr
and Middle East in the sources on
islamic history of the 7th – 12th centuries 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 26.04.2018. Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

ИБРАГИМОВА НОЗИМА КАМИЛЖАНОВНА

**VII – XII АСРЛАР ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАРДА
МОВАРОУННАҲР ВА ЯҚИН ШАРҚ
ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ**

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.1.DhD/Tar166. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ИАУ.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Агзамходжаев Саидакбар Саидович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мунавваров Зоҳидилло Иномходжаевич
сиёсий фанлар доктори, профессор

Хидирова Наргиза Ўриновна
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 26.04.2018. Isl/Tar. 57.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65, e-mail: info@ИАУ.uz. Ўзбекистон халқаро ислом академияси).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 244 00 91.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги __ - рақамли реестр баённомаси)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Н.Ғ.Низаметдинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, фил.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги дунё жамоатчилигининг жадал глобллашув жараёни ўзаро ўрнатилган муносабатларнинг тарихий илдизлари билан узвий боғлиқ. Мовароуннахр¹ илм-фаннинг турли соҳалари юксак ривожланган минтақа, буюк мутафаккирлар ватани ва ислом цивилизация маркази сифатида алоҳида эътироф этилади. Ўрта асрларда Мовароуннахр илм-фанининг ривожчи Яқин Шарқ² билан ўрнатилган алоқалари, хусусан элчилик муносабатлари замирида шаклланганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Турли муаммоларни тинч йўллар билан ҳал этишга йўналтирилган ҳамда ўз билим ва салоҳияти билан халқаро майдонда дадил фаолият юритадиган элчи ўрта асрларда ҳам тадбиркор, илмий савия ва кенг дунёқарашга эга бўлиши талаб этилган. Шу жиҳатдан, мазкур муносабатларнинг тарихий асосларини, айниқса тадқиқотларда узилиш бўлиб қолган ўрта асрлардаги жараёнларни алоҳида ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

Дунёда манбалардаги элчилик муносабатлари тарихига оид назарий ва амалий масалаларни қамраб олган тадқиқотларда турли давр ҳамда ҳудудлар ўртасидаги дўстона алоқалар тарихи юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишлардаги хориж тадқиқотларида, жумладан, илк ислом даврига оид дипломатик муносабатлар таҳлили, Умавий халифалари дипломатияси, Аббосийлар давридаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослар ҳамда уларнинг тадрижий ривожланиш босқичларига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси кейинги йилларда ривожланган мамлакатлар қаторида халқаро муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. Элчи шахси мазкур самарали ташқи сиёсий фаолият субъекти сифатида муҳим ўрин тутди. Хусусан, элчи сўзига давлат даражасида эътибор қаратилиб, “бу сўз элнинг, халқнинг вакили, мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган инсон” деган маънони англатиши алоҳида қайта таъкидланади. Шу билан бирга, “дипломатик муносабатлар тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалиши”га урғу берилади ва “...Бизнинг аجدодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққани ҳақида кўплаб тарихий

¹ Қаранг: Мовароуннахр ما وراء النهر - “дарёнинг нариги томони” деган маънони англатади. Шартли равишда унга Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ерларни киритиш мумкин. Мазкур географик атама исломгача бўлган VI асрда Сосонийлар давлатидан шимолий-шарқда, Жайхун, яъни Амударёнинг орқасида жойлашган Турк хоқонлигига қарашли ерлар тушунилган. Ёкут Ҳамавий “Мовароуннахр”ни “Турон юрти” деб атаган. VII асрнинг 2-ярми ва VIII асрнинг бошларида бу ҳудудга нисбатан Мовароуннахр ёки Мадуннахр атамалари ишлатилган. Географик ҳудуд VII асргача Турк хоқонлиги, VII-X асрларда Хуросон, XI асрлардан бошлаб Туркистон, XII аср охири XIII аср бошида Хоразм таркибига киритилган. Шамсиддин Камолиддин. Мовароуннахр // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. М. ҳарфи. –Т.: ЎЭМЭ, 2000. – Б.659; [Электрон ресурс]: uz.m.wikipedia.org.

² Қаранг: Ҳозирги кунда Яқин Шарқ ҳудудига Миср, Судан, Баҳрайн, Ироқ, Исроил, Фаластин, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт ва Қатар каби давлатлар ва амирликлар киради. Мазкур тадқиқотнинг хронологик чегарасидан келиб чиқиб, унда Мовароуннахрнинг VII-VIII асрларда Сурия ўлкасида жойлашган Дамашқ шаҳри ҳамда IX-XII асрларда Ироқдаги Бағдод шаҳри билан олиб борган элчилик муносабатлари ўрганилди. [Электрон ресурс]: uz.m.wikipedia.org.

маълумотлар мавжуд”лигига аҳамият қаратилади³. Ўзбекистон тарихида ҳозирги кунгача амалга оширилган элчилик муносабатлари масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларнинг аксарияти XVI-XX аср бошлари ва мустақиллик даврларини ўз ичига олади. Афсуски, Марказий Осиёнинг Яқин Шарқ худудида жойлашган мусулмон давлатлари билан элчилик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий нуқтаи назардан алоҳида ўрганилмаган. Мазкур диссертацион тадқиқот Мовароуннаҳрнинг VII-XII асрларга оид ташқи сиёсий фаолияти тарихи, унинг Араб халифалиги бошқаруви остидаги мусулмон мамлакатлари билан элчилик ва вакиллик алоқалари, ўзаро тинчлик сулҳлари, элчиларнинг роли каби масалаларни ислом динининг бирламчи ва асосий манбалари, турли тарихий ва сияр асарларига таянган ҳолда илмий тадқиқ қилишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида ҳисобланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор мамлакатларида дипломатия тарихига оид кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар Мовароуннаҳр ёки мусулмон давлатларининг ён атрофдаги давлатлар билан элчилик муносабатларининг шаклланиши, ривожланиш тенденциялари, ўрнатилган муносабатларнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги “Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш - дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир” деб номланган 12.01.2018 даги нутқи. [Электрон ресурслар]: <https://www.gov.uz/uz/news>

мақсадлари ва уларнинг бошқарувдаги аҳамияти каби масалалар доирасида амалга оширилмоқда. Хусусан, айтиш мумкин, иш мавзусига алоқадор илмий-тадқиқот ишлари, адабиёт ва мақолаларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар совет даври, мустақиллик йилларидаги изланишлар ва хориж тадқиқотлардан иборат.

Совет даврида олиб борилган тадқиқот ва нашр этилган адабиётлар рўйхатида асосан И.Ю.Крачковский, Е.А.Беляев, П.А.Грязневич, О.Г.Большаков, М.Б.Пиотровский, А.Б.Халидов, В.В.Бартольд, З.М.Бунятов асарларини келтириш мумкин⁴. Уларда асосан, Арабистон ярим оролида халифаликнинг ташкил топиши, давлат тузилиши, дастлабки дипломатик муносабатлар, марказлашган араб-мусулмон давлати, Умвийлар даврига оид қимматли маълумотлар, шунингдек, Ануштегин Хоразмшоҳлари бошқарувида элчиликка масъул шахслар ва уларнинг ўзаро келишувлардаги ролига оид тарихий воқеликлар ўз аксини топган.

VII-XII асрларда Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ мусулмон давлатлари тарихини мустақиллик йилларида янгича ёндашув асосида ўрганишга киришилди. Жумладан, А.Ш.Жўзжоний, А.А.Ҳасанов, А.К.Мўминов, Ш.Ю.Зиёдов, Ғ.Б.Бобоёров, С.С.Оқилов, И.С.Усмонов, Ҳ.М.Мамадалиев, С.А.Муҳаммадаминов каби тадқиқотчилар муаллифлиги остида мазкур даврда Мовароуннаҳрнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихини ёритувчи бир қатор илмий ишлар нашр этилди⁵. Шунингдек, К.Т.Зоҳидов, Д.Ш.Дутураева, А.М.Отахўжаевлар ва Д.Сайфуллаев томонидан ҳимоя қилинган диссертацияларда ҳам мавзуга оид баъзи

⁴ Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Перевод и комментарии под ред. И.Ю.Крачковского. – Москва: Академии наук СССР, 1939. – 228 с; Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. – Москва: Наука, 1965; Грязневич П.А. Формирование арабской народности раннего средневековья // Ислам. Религия, общество, государство. – Москва: ГРВЛ, 1984. – С.132-144; Большаков О.Г. История Халифата. 1. Ислам в Аравии (570-633), 2. Эпоха великих завоеваний, 3. Между двух гражданских войн. – М: Восточная литература РАН, 2000. – 312 с; Пиотровский М.Б. Пророческое движение в Аравии в VII в. // Ислам. Религия, общество, государство. – Москва: ГРВЛ, 1984. – С. 19-27; История ат-Табари / Пер. с араб. В.И.Беляева с допол. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. – Т.: Фан, 1987; Бартольд В.В. Ислам. Культура мусульманства. Мусульманский мир / Вступ. ст. Е. Кузнеця. – М.: Книжный Клуб Книговек, 2012. – 352 с; Бунятов З.М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097-1231). – М., 1986. – С.85. Яна қаранг: Бунятов З.М. Формы земельной собственности: Налоги и сборы в государстве Хорезмшахов (1097-1231).

⁵ Жўзжоний А.Ш. Ислам ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. -Т.: ТИУ, 2002. – Б. 256; Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. – Т.: 2001. – 256 б; Мўминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII / VII-XIII в). дис.док.истор.наук. – Т.: ТИУ, 2003. – 103 с; Зиёдов Ш.Ю. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китоб ат-Та’вилот” асари. Тар.фан.ном.ил... дисс.автор. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 21; Бобоёров Ғ.Б. Этнополитические процессы в Центральной Азии в VII-VIII вв (по Орхоно – Енисейским письменным памятникам). Автор.дисс... канд.истор.наук. –Т.: 2003; Оқилов С.С. Абул Муин ан-Насафий ва унинг Мотуридий таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсират ул-адилла” асари асосида). Тар.фан.ном.ил... дисс.автор. – Т.: 2005. – Б. 27; Усмонов И.С. Ал-Ҳаким ат-Тирмизийнинг “Наводир ал-усул” асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тар.фан.ном.ил... дисс.автор. – Т.: 2006. – Б.26; Мамадалиев Ҳ.М. Этническое положение в Средней Азии в IX-XII вв. (на основе материалов арабоязычных источников). Автор.дисс... канд.истор.наук. – Т.: 2010. – С.28; Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла’ ан-нужум ва мажма’ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари). Тар.фан.ном.ил... дисс.автор. – Т.: 2012.

маълумотларни учратиш мумкин⁶. М.М.Хатамова, Ф.Дж.Джуманиязоваларнинг ишларида илк ўрта асрларда Марказий Осиёда мавжуд бўлган давлатларнинг Хитой билан дипломатик муносабатлари тадқиқ этилган⁷. Ж.А.Авазова тадқиқотида IX-XII асрларда Аббосийлар (750-1258) бошқаруви остида Марказий Осиёда шаклланган давлатлар, хусусан, Хоразмшоҳлар (1097-1231) давлатининг Бағдод халифалиги билан олиб борган элчилик муносабатларига тўхталиб ўтади⁸.

Тадқиқ этилаётган муаммога оид бўлган хорижий изланишларга мисол қилиб, Адам Мец, М.Монтгомери Вотт, Бернард Левис, Дюранд-Гуэдилар, О.О.Хохлышева, Р.М.Мухаметшин, Д.Мухетдинов, Д.Хайретдинов, Жеймс П.Пискатори, Бижан Бидабад, Хуссеин Рахманизодэ, Мевлут Коюнчи, А.Н.Кура⁹, Шайх ад-доктур Саъид Муҳаммад Абдуллоҳ Тоҳо Низал¹⁰, Абдулмутаълий ас-Саъидий¹¹, Ал-Имам Муҳаммад Абу Захра¹², Ад-дуктур

⁶ Зоҳидов Қ.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661). Тар.фан.ном.ил... дисс.автореф.– Т.: ТИУ, 2004. – Б. 24; Дутураева Д.Ш. Центральная Азия в период правления Каракитаев (вторая четверть XII - начало XIII вв.). Автореф.диссер... канд.истор.наук. – Т.: 2010. – С.30; Атаходжаев А.М. Тюрко-Согдийские отношения в политических, социально-экономических и этнокультурных процессах в раннем средневековье. Автореф.дисс... степ.док.истор.наук. – Т.: 2011. – С.58; Сайфуллаев Д. Ўзбекистон Республикаси дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи (1991-2016). – Т.: Muharrir, 2018. – 176 б.

⁷ Хотамова М.М. Турк ҳоконлиги ва Хитойнинг Суй сулоласи муносабатлари // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Хидирова Н.О. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. - Б.42-56; Джуманиязова Ф.Д. Илк ўрта асрларда Тўхаристон ябғулиги ва Хитой ўртасидаги элчилик алоқалари // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Хидирова Н.О. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. - Б.56-68.

⁸ Авазова Ж.А. Хоразмшоҳлар давлатида элчиларни қабул қилиш маросими // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Хидирова Н.О. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. - Б.97-106.

⁹ Адам Мец. Мусульманский Ренессанс. – Москва: Наука, 1973. – С.28; М.Монтгомери Уатт. Muhammad: Prophet and Statesmen. –UK.: Oxford University, 1974; Bernard Lewis. The Jews of Islam. –US.: Princeton University Press, 1984; Durand-Guedy D. Diplomatic practice in Saljuq Iran. A preliminary study based on nine letter about Saladin's campaign in Mesopotamia, LXXXIX, 2008, 2. - P. 271-296; Хохлышева О.О. Правовое регулирование международных отношений в исламе / Ислам в современном мире: внутрисударственный и международно-политический аспекты № 1 (7)' 2007. – 187 с; Р.М.Мухаметшин. История ислама в России. – Казань: ЗАО Алгоритм, 2018. – 148 с; Мухетдинов Д., Хайретдинов Д. История арабского халифата. – Нижний Новгород: Медина, 2011. – 225 с; James P. Piscatori. International Relations and Diplomacy. Oxford Islamic Studies Online; Bijan Bidabad. Diplomacy Principles. An Islamic Sufi Approach. Islamic Azad University, School of Sciences and Research, Tehran, Iran; Hossein Rahmanizadeh. Contribution of islam to the development of diplomatic and consular law // Journal of Current research in science. 2015/2, vol. 3. – P.42-48; Dr. Mevlüt Koyuncu. Türkler ve İslâm Dünyası. www.tarihtarih.com.

¹⁰ Шайх Саъид Муҳаммад Абдуллоҳ Тоҳо Низал. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://pulpit.alwatanvoice.com>.

الشيخ الدكتور سعيد محمد عبد الله طه نزال. العلاقات الدبلوماسية في عهد النبي. العلاقات الدبلوماسية في عهد الخلفاء الراشدين. العلاقات الدبلوماسية في عهد الدولة الاموية في بلاد الشام. العلاقات الدبلوماسية في عهد الدولة الاسلامية العباسية.

¹¹ Абдулмутаълий ас-Саъидий. Ас-Сиясат ул-исламияту фи аҳдил Хулафои Рошидин. PDF. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: www.kutubpdfcafe.info // Ас-Сиясат ул-исламияту фи аҳдин Набавия саллоллоху алайҳи васаллам. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: www.facebook.com/Arabic. // Ас-Сиясат ул-исламияту фи аҳдил хулафои Рошидин. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: www.facebook.com/Arabic. // المقالات/ العلاقات الدبلوماسية. عبد المتعال الصعيدي. السياسة الاسلامية في عهد الخلفاء الراشدين // السياسة الاسلامية في عهد النبوة // السياسة الاسلامية في عهد الخلفاء الراشدين.

¹² Имам Муҳаммад Абу Захра. Ал-Аълақоту ад-дувалиту фил-ислам. – Қувайт: Дар ал-кутуб ал-ҳадис, 2000. - 118 с. الإمام محمد ابو زهرة. العلاقة الدولية في الاسلام.

Вахбату аз-Зухайлий¹³, Доктур Аъриф Ҳалил Абу Иъйд¹⁴, Абдуллоҳ ибн Носир ибн Султон ас-Саҳибаний¹⁵ каби тадқиқотчиларнинг ишларини келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда Мовароуннаҳр ва Марказий Осиёда VII-XII асрлардаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти ва унинг муайян соҳалари қамраб олинган бўлса-да, мавзуни ўрганишда Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан элчилик муносабатлари махсус илмий-тарихий жиҳатдан жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади VII-XII асрлардаги ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқнинг ўзаро элчилик алоқаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ислом тарихида “элчи” тушунчасининг этимологияси, тарихий илдизлари ва манбавий асосларининг назарий-услубий жиҳатларини аниқлаш ҳамда турли ёндашувларни кўрсатиш;

илк ислом даврида элчилик тизими, илк марказлашган араб-мусулмон давлатида Мовароуннаҳр билан дастлабки элчилик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишини очиб бериш;

Умавий халифалар (661-749)нинг Мовароуннаҳрга ҳарбий ҳаракатлар жараёнида амалга оширилган элчилик алоқалари ва уларнинг ўзаро келишув натижаларини ёритиш;

VIII-XII асрларда Аббосий халифалар (750-1231)нинг Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар билан муносабатларини қиёсий ўрганган ҳолда элчилик роли ва аҳамиятини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида VII-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ мусулмон давлатлари элчилик муносабатлари акс этган манбалар, тарихий ва сияр асарлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий холислик, тарихийлик, хронологик, қиёсий ва муаммовий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

¹³ Доктур Вахбату аз-Зухайлий. Ал-Аълақоту ад-давляту фил ислам. Муқоранату бил қануни ад-давлий ил-ҳадис. – Байрут: Ал-Рисала, 1997/1417. – 194 с.

الدكتور وهبة الزحيلي. العلاقات الدولية في الاسلام. مقارنة القانون الدولي الحديث.

¹⁴ Доктур Аъриф Ҳалил Абу Иъйд. Ал-Аълоқот ул-харижийату фи давлат ил-хилафати. – Кувайт: Дар ул-аркам, 1983/1404. – 326 с. الدكتور عارف خليل ابو عيد. العلاقة الخرجية في دولة الخلافة.

¹⁵ Абдуллоҳ ибн Носир ибн Султон ас-Саҳибаний. Ас-сиясат ул-харижийату лид давлатил исламияти фи аҳдин Нубувва PDF. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: www.alukah.net.

عبد الله بن ناصر بن سلطان السحيباني. السياسة الخارجية الدولية الاسلامية في عهد النبوة.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Диссертацияда Куръон, ҳадис, фикҳ, сияр, шунингдек, туркий асарларда “элчи” сўзи ва унинг шахси “расул”, “ялавоч”, “алавоч” ва “ялафор” каби иборалар билан ифодаланганлиги, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги элчилик тизими, яъни халқаро ёзишмалар тартиби, ҳадяларни топшириш жараёнидаги анъана ва меъёрлар қадимги туркий, сўғдий ҳамда форсий талаблар таъсири остида шаклланганлиги кўрсатиб берилган;

VII аср иккинчи ярми - VIII аср бошларида вужудга келган илк араб-мусулмон давлатини марказлаштириш, қўшни қабила ва халқлар томонидан тан олинishiда элчилик муносабатлари, ўзаро ёзишмалар муҳим ўрин тутганлиги, бундай дипломатик алоқаларда нотиклик, тадбиркорлик, олимлик, хушсурат ва хушхулқлилик каби шарқона сифатлар билан бир қаторда ростгўйлик ва омонатдорлик каби ислом меъёрлари ҳам устунлик қилгани аниқланган;

Умавийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ ўртасидаги элчилик муносабатларида ҳарбий жиҳатлар устунлик қилган ва бу босқичдаги элчилик муносабатлари “المغازى” (ал-муғозий) деб номланган, лекин айрим ҳолатларда уюштирилган элчилик миссиялари ҳарбий ҳаракатларнинг олдини олгани, бу эса ислом тарихи манбаларида “السير” (ас-сайр) ибораси билан келтирилгани асослаб берилган;

Аббосийлар даврида элчилик масалалари билан боғлиқ муайян концептуал қоидалар асосида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ишлаб чиқилгани ҳамда элчиларни кутиб олиш ва кузатиш каби масалалар ديوان عميد (девони амид), ديوان رسائل (девони расоил) ва ديوان انشا (девони иншо) каби махсус девонлар орқали амалга оширилгани аниқланган;

IX-XII асрлардаги Мовароуннаҳрда мустақил ҳукмронлик қилган Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар сулолалари билан Аббосийлар ўртасидаги элчилик муносабатлари Муҳаммад ал-Хузорийнинг “ад-Давлату ал-Аббасийа”, Ибн ал-Асирнинг “ал-Камил фит-тарих”, Абдурраҳмон ас-Суьютининг “Тарих ал-Хулафо”, Утбийнинг “Тарихи Яминий” каби ислом тарихи манбаларида ошкоралик ва эркинлик тамойилларга асосланганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

VII-XII асрларда амалга оширилган Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ дипломатик муносабатлари уч босқич – илк ислом, Умавийлар, Аббосийлар даврига бўлиб таҳлил этилган ва уларнинг ўзаро муштарақ муносабатлари илмий жиҳатдан асосланган;

илк маротаба илмий муомалага киритилган Ўзбекистон, Туркия, Миср каби давлатларда сақланаётган Ибн Халдуннинг “Муқаддима”, Абдуллох Шакурнинг “Тарихи Ислами”, Жалолоддин Абдурраҳмон ас-Суьютининг “Тарих ул-хулафои умаро ал-муъминин”, Бурҳониддин Абул-Маъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг “Ал-Муҳит ал-Бурҳаний” каби араб ва форс тилларидаги 9 та кўлёзма ва тошбосма манбалари ҳамда расмий ҳужжатлар асосида элчининг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, халқаро доирадаги омонлик масалалари, айрим ёзишмалар, дипломатик хат формулярлари

масалаларига аниқлик киритилган;

Ўзбекистон тарихининг ўрта асрлар даврига оид янги илмий далиллар аниқланиб, VII-XII асрларда Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари тинчлик ва муроса тамойилларига асосланганлиги аниқланган;

замонавий дипломатия вакиллари (фавқулодда ва мухтор элчи, консуллар)га халқаро этикет қоидаларини янада такомиллаштириш мақсадида маънавий-ахлоқий мезонлар бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий тарих фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларнинг қўлланилиши, мавзуга дахлдор бўлган бирламчи манбалардан фойдаланилиши, концептуал ва илмий асосга эга хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши ҳамда тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқлангани билан боғлиқ. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро илмий, илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда чоп этилгани билан ҳам ўз исботини топди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан VII-XII асрлар Ўзбекистон тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатларидаги элчихоналари ходимлари учун дипломатик муносабатлар тарихига оид рисолалар тайёрлашда, шунингдек, ўзбек дипломатияси ва ислом тарихига оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этишда ҳамда Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ давлатлари билан муносабатлари тарихи бўйича назарий хулосаларни бойитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг амалий аҳамияти бугунги кунда исломшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими учун амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. VII-XII асрларда Мовароуннахр ва Яқин Шарқ мусулмон давлатлари ўртасида элчилик муносабатлари тарихини тадқиқ қилиш юзасидан олинган хулоса ва таклифлар асосида:

Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари тўғрисидаги маълумотлардан И1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 рақамли лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 27 февралдаги 3/1255-535-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихи ва ўрта асрлар халқаро дипломатик этикети доирасида ишлаб чиқилган мусулмон ҳамда маҳаллий қонун-қоидаларнинг амалий аҳамиятини ўрганиш учун кенг имконият яратган;

илк ислом даври ва Умавийлар бошқарувига оид маълумотлар ва хулосалар Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муасасалари 2 ва 3-курс учун “Ислом тарихи” фанидан ўқув-услугий қўлланма тайёрлашда фойдаланилган (Дин ишлари бўйича қўмитанинг

2018 йил 17 октябрдаги №5713 сон далолатномаси). Қўлланилган натижалар ёшларни ислом тарихига оид сияр асарларидаги умуминсонийлик ғоялари билан йўғрилган элчилик муносабатлари тарихи соҳасида билимларини ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Мовароуннаҳр уламоларининг ноёб дидактик асарларида элчилик тушунчаси, уларга қўйилган талаблар, фазилатларга доир тарихий воқеаларнинг таҳлилий хулосалари Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” радиоканали орқали тақдим этилган “Миллат ва маънавият” номли радиоэшиттиришнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 11 октябрдаги О’з/К.С-170-рақамли маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар баркамол авлод тарбиясидаги диний ва маънавий тамойилларни шакллантиришга хизмат қилган.

VII-VIII ва IX-XII асрлардаги Мовароуннаҳрнинг Яқин Шарқ билан элчилик муносабатлари тадқиқоти асосида шакллантирилган географик хариталар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг “Музей ва экспонатлар” бўлимини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг 2019 йил 30 январдаги №44/19 ва 2019 йил 01 февралдаги №48/19-сон далолатномалари). Мазкур натижалар музей экспозициясини Мовароуннаҳрнинг VII-XII асрлардаги муносабатлар тарихига оид маълумотлар билан бойитган ва ёш авлодни комил инсон руҳида тарбия қилишга ҳамда уларнинг маънавиятини янада юксалиштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуман ва конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция: “Роль культуры толерантности в международных связях и отношении исламской морали к её аспектам” (Прага, 2015), Темурийлар бошқарувида дипломатик муносабатлар (Тошкент, 2017) ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Шундан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ҳажми. Тадқиқот - кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 166 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг даврий чегараси, унинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, республика фан ва

технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган ҳолда унинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Манбаларда элчиликнинг назарий-тарихий асослари» деб номланган биринчи боб уч параграфдан иборат бўлиб, унда “элчи” тушунчасининг этимологик таҳлили, Мовароуннаҳрда элчилик муносабатларининг тарихий генезиси ва элчи шахсининг манбалардаги талқини таҳлил этилган.

Диссертациянинг мазкур бобида “элчи” тушунчасининг тўрт тил: ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларидаги номланиши ўрганилган.

“Элчи” атамасининг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мазкур атамага бир неча илмий адабиётларда батафсил маълумот берилган. Хусусан, тадқиқотчи Л.З.Будагов элчининг халқ, қабила ва жамоа маъноларини англатувчи “эл” сўздан олинганлигини таъкидлайди¹⁶.

Туркий халқларда ўзаро муносабатларни ўрнатиш “элланмоқ” сўзи билан ифодаланган. У ярашмоқ, дўстлашмоқ маъноларида ишлатилган. Унга эквивалент бўлган “эл турмоқ” тушунчаси тинч ва осойишта бўлмоқни англатган. “Элчий-у махсус”, “элчийу кабир” ва “буюк элчи” каби атамалар ҳам қўлланилиб, улар асосий элчилар, яъни фавқуллода ва мухтор элчига нисбатан истифода этилган. Муайян вазифа юклатилган вақтинчалик элчилар “ўрта элчи”, “кичик элчи” деб аталган. “Ишур элчилар” эса асосий ташрифи бошқа мамлакатга қаратилган бўлсада, лекин йўналиш харитаси бўйича ўтаётган давлатлар ҳукмдорлари ҳузурига келган элчилар ҳисобланган. Шундай элчилар қаторига Аббосийлар халифаси ал-Муқтадир (908/295-932/320)нинг Волга бўйидаги Булғор хонлигига жўнатилган Ибн Фадлон¹⁷ бошчилигидаги элчилик гуруҳини киритиш мумкин. Чунки мазкур делегация сафар харитаси бўйича Булғор хонлигига йўналтирилган эди. Лекин ушбу хонликка Мовароуннаҳр орқали ўтганлиги учун улар “Ишур элчилар” сифатида маҳаллий ҳукмдорлар томонидан қабул қилинган. Л.З.Будагов қадимги туркий тилдаги “ялавоч” сўзини “элчи” маъносида ишлатилганини ҳам таъкидлайди¹⁸.

Маҳмуд Қошғарий (1075-1102) ўзининг “Девони луғати турк” асарида элчига доир атамаларни ўзига хос тартибда тавсифлаган. Муаллиф ўз даврида элчига нисбатан “ялавоч”, “алавоч”, “ялафор” ва “расул” сўзлари билан мурожаат этилганини келтиради¹⁹. Бу атаманинг ўрта асрларда форс ва араблар таъсирида ялавоч ёки сафир каби эквивалентлари ишлатилганини

¹⁶ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. - Т.1. – Москва, 1869. – С.206.

¹⁷ Аҳмад ибн Фадлан ибн ал-Аббос ибн Рашид ибн Ҳаммод – Аббосий халифаси ал-Муқтадирнинг Муҳаммад ибн Сулаймон исмли қўмондони қўли остидаги бош котиб-хизматчи бўлган. Булғория Волгасига уюштирилган элчилик сафарига котиб сифатида бириктирилган.

¹⁸ Ўзбек дипломатия тарихидан. Тарихий очерк ва лавҳалар / Б.Маннонов таҳрири остида. –Т.: Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университети ХЕГА ПРИНТ, 2003. – Б. 16.

¹⁹ Маҳмуд Қошғарий. Девони луғати турк (Туркий сўзлар девони). – Т.1. – Т.: ЎзРФА, 1963. – Б.352.

кўриш мумкин. Рус тилидаги “посол” ва “посланник”²⁰, араб тилидаги “сафир” ва “расул”²¹, шунингдек, инглиз тилидаги “ambassador” ва “messenger”²² атамалари мазмун-моҳияти жиҳатидан фарқланади.

Тадқиқотда араб тилидаги “расул” атамасини Қуръони карим, сунна, сийар ва фикҳий манбалар асосида гуруҳларга бўлиб ўрганилди. Қуръони каримда расул сўзи 27 оятда тилга олинган. Мазкур оятлар таҳлил этилганда, элчи атамаси куйидаги 3 туркумдаги субъектларга: фаришталарга, пайғамбарларга, муҳим ақидавий аҳамиятга эга бўлмаган шахс ёки махсус вазифа юклатилган чопарга нисбатан қўлланилганлигини кузатиш мумкин. Ушбу гуруҳ ичида пайғамбарлар алоҳида ўрин тутди. Хусусан, пайғамбарлар фаришталар воситасида келтирилган буйруқларни инсониятга етказиш ва амалда тадбиқ этувчи шахс ҳисобланган. Пайғамбарларга доир оятларда уларнинг асосий вазифалари баён этилган. “Улар (ўтган пайғамбарлар) Аллоҳнинг фармонларини (бандаларга) етказадиган, Ундан қўрқиб, Аллоҳдан ўзгандан қўрқмайдиган зотлардир. Аллоҳнинг ўзи (бандаларининг амалларига нисбатан) етарли ҳисобдондир”²³. Мазкур оятнинг айрим таржималарида “пайғамбарлар” сўзи ўрнига “элчилар” ибораси ишлатилган.

Ислом дини манбаларида “расул” диний раҳнамо сифатида куйидаги вазифаларни бажариши келтирилади: маърифат етказиш; фаришталар билан мулоқотга киришиш; маълумотларни ишончли ва ҳақ етказиш; омонатдор бўлиш; сир сақлай олиш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; тўғри етказиш; заковатли ва мукаммал ақл эгаси бўлиш; хатолар, гуноҳлар ва унутишдан холи бўлиш; яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариш; ҳушхабар бериш ёки огоҳлантириш; сиёсий бошқарувга раҳбарлик қилиш каби вазифаларга эга бўлиш²⁴.

Манбаларда элчиликнинг назарий-тарихий асослари бобида халқаро муносабатлар тарихи сиёсий²⁵, иқтисодий²⁶, ҳуқуқий²⁷ ва ҳарбий²⁸ соҳалар

²⁰ Ожегов С.И.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов фразеологических выражений/ Российская академия наук. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. - 4-изд., дополненное. – М.: ИНФОРТЕХ, 2009. – С. 569.

²¹ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси: Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б.197; Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1985.- С.125.

²² The world book. Encyclopedia. - Monral Chikago:World book.Ins.525 W. К 60 661.- P.583.

²³ Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016. 33-39. – Б.155.

²⁴ Ал-Ҳаваший. Ал-ҳажату ила ар-расул. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://www.al-islam.com>.
الحواشى. الحاجة الى الرسول.

²⁵ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. –Т.: Фан, 1975. С. 106-109; Распопова В.И. Поясной набор Согда VII-VIII вв. // Советская археология. М., 1965. № 4. – С. 78-91; Аржанцева И.А., Иневаткина О.Н. Еще раз о росписях Афрасиаба: новые открытия, которым четверть века // Центральная Азия. Источники, история, культура. Материалы Межд. науч. конф., посвященной 80-летию Е.А. Давидович и Б.А. Литвинского. М.: Вост. лит., 2005. - С.118-144.

²⁶ Қаранг: Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи: Олий ва ўрта ўқув юртлари учун қўлланма К.И./Махсус муҳаррир: А.Аскар. - Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б.96; Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002. – Б.179; Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2007. – Б.199.

²⁷ Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Кника о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: 1981. – С.109.

билан боғлиқ ҳолда комплекс ўрганилди. Бунда қадимги дунё (антик давр) дипломатияси, ўрта аср дипломатияси, янги ва энг янги даврда мавжуд бўлган дипломатик муносабатлар тарихи муҳим ўрин тутди²⁹. VII-XII асрлардаги Марказий Осиё элчилик муносабатларида қадимги дунё дипломатияси анъаналарининг таъсири сезиларли даражада бўлганлиги кузатилади. Ўзбек давлатчилиги шаклланишининг дастлабки босқичида дипломатик муносабатлар бир қадар соддароқ кўринишда бўлган³⁰. Шу билан бирга, улар туркий ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг урф-одат ва анъаналари асосида ривожланган³¹.

Марказий Осиёнинг арабларга қадар элчилик алоқалари ва бошқа дипломатик муносабатларига оид маълумотларни Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан топиш мумкин. Суғдий ҳужжатлар бўйича олиб борилган тадқиқотларга³² кўра, элчиликка доир вазифаларга масъул лавозимлар таъсис этилган бўлиб, у “дапирпат”³³ ёки “азғант”³⁴ деб номланган. Шунингдек, Турк ҳоқонлигининг Суғддаги назоратчилари элчиларнинг хавфсизлигига масъул бўлганлар. Бу ҳолат Афросиёб тасвирларида ҳам ўз ифодасини топган³⁵.

Кўриб чиқиладиган даврларда Марказий Осиё (жумладан, Мовароуннахр) ҳудудида жойлашган Турк ҳоқонлиги³⁶, Суғд конфедерацияси³⁷ ва Тохаристон³⁸ давлатлари янги барпо этилган араб-мусулмон давлатидан фарқли равишда ўзига хос дипломатик тажрибага эга

²⁸ Қаранг: Квинт Курций Руф. История Александра Македонского // Перевод под ред. В.С. Соколова. – М., 1963. – С. 282.

²⁹ Ниёзов А. Халқаро муносабатлар тарихи // Ҳаёт ва қонун, 2003 - № 5. - Б.37-38.

³⁰ Отахўжаев А.М. Антик ва илк ўрта асрлардаги дипломатик муносабатларнинг манбаларда ёритилиши // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б.13.

³¹ Ўзбек дипломатия тарихидан. Тарихий очерк ва лавҳалар / Б.Маннонов таҳр.остида. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ХЕГА ПРИНТ, 2003. – Б. 15.

³² Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С.312; Ғоипов Б.С. Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б.31.

³³ Дапирпат – икки сўздан иборат бўлиб, “дапир” – ёзма, “пат” – бошлиқ деган маъноларни англатган. Умумий маънода котиблар бошлиги маъносида ишлатилган. У бош котиб сифатида сарой ҳужжатларини юритишга, тартибга солишга, элчиликка, ҳужжатларни сақлаш каби депозитария вазифаларига масъул бўлган.

³⁴ Муғ тоғи суғдий ҳужжатларининг А-9, В-18, Б-11 каби рақамларида “чопар” маъноларида келган. Уларга мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги аҳволни марказга етказиб туриш вазифаси юклатилган.

³⁵ Альбаум Л.И. Новые раскопки Афрасияба// Страны и народы Востока. Вып.Х. 1971. – С.73, 19, 30; Ғоипов Б.С. Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил // Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б.33; Ўзбекистон ҳарбий санъати тарихи: китоб-альбом / Ж.Х. Исмаилова, Л.Г. Левтеева; масъул муҳаррир: Ю.Р.Буряков. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2013. – Б.81.

³⁶ Альбаум Л.И. Живопись Афрасияба. – Т.: Фан, 1975. С.106-109; Распопова В.И. Поясной набор Согда VII-VIII вв. // Советская археология. – М., 1965. № 4. – С. 78-91; Аржанцева И.А., Иневаткина О.Н. Еще раз о росписях Афрасияба: новые открытия, которым четверть века // Центральная Азия. Источники, история, культура. Материалы Международная научная конференция посвященной 80-летию Е.А. Давидович и Б.А. Литвинского. М.: Вост. лит., 2005. – С.118-144.

³⁷ Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. – С.312; Ғоипов Б.С. Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б.31.

³⁸ История ат-Табари / Пер. С араб. В.И.Беляева с допол. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. –Ташкент: Фан, 1987. – С.20-21.

эди. Бунда уларнинг Буюк Ипак йўли орқали Византия³⁹, Эрон ва Хитой⁴⁰ каби йирик марказлашган давлатлар билан олиб борган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлари муҳим ўрин тутган.

Мовароуннахр ҳудудида ислом динининг тарқалиши, Яқин Шарқда араб халифалигининг ташкил топиши халқаро муносабатларга сезиларли таъсир кўрсатди. Яқин Шарқда превентив⁴¹ дипломатия асосида элчи шахсига қўйиладиган талаблар - мажбурият, ваколат, бурчлар маҳаллий анъана ва исломий меъёрлар билан қатъийлашган халқаро дипломатик қонун-қоидалар вужудга келди⁴².

Диссертацияда марказий осиёлик Юсуф Хос Ҳожиб (1019-1090), Хожа Низомулмулк ат-Тусий (1018-1092), Маҳмуд Қошғарий (1075-1102), Хусайн Воиз Кошифий (1442/46-1505), Кайковус ибн Искандар (1083 вафот этган), Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий (1090/482 йилда вафот этган), Абулҳасан Мовардий (986/364-1072/450) ва Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий (1219/616 йилда вафот этган)лар томонидан ёзилган асарлар элчи шахсини очиб беришда муҳим ўрин тутиши аниқланган. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарида элчида махсус билим ҳамда кўникмага эга бўлиш, турли тилларни яхши ўзлаштириш, хозиржавоб ва сўзга чечанлик талаб этилгани, шунингдек, элчининг асосий хусусияти - заковат билан йўғрилган тилга эга бўлиш таъкидланган⁴³.

Юқорида келтирилган асарлардаги маълумотларни умумлаштириб, тадқиқотда элчи шахсининг тарихий тимсоли гавдалантирилган. Унга кўра, ўрта асрларда элчи тили равон, тадбиркор, хушсурат, ҳаётий тажриба ва ҳарбий маҳоратни эгаллаган бўлиши кераклиги манбалар асосида кўрсатиб берилган.

Марказий Осиё ҳудудида яшаб, айрим юқори лавозимларда фаолият юритган шахслар томонидан ёзилган давлат бошқарувига оид асарларда умумий ўхшаш жиҳатлар билан биргаликда, айрим фарқли томонлар ҳам мавжуд. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб ва Хожа Низомулмулклар вазир лавозимида ишлаганлиги учун ўз шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб, нафақат тавсиялар беради, балки зарурий чоралар кўришни ҳам таклиф қилади⁴⁴. Иккала муаллиф асарида қадимги туркий ва эроний анъаналарнинг устунлиги сезилади. Абулҳасан Мовардийда эса элчиликка оид масалалар ислом дини меъёрлари асосида ёритилгани билан ажралиб туради⁴⁵.

Ҳанафий мазҳаби уламолари халқаро ҳуқуқий муносабатларда

³⁹ Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. –Т.: ART-FLEX, 2010. – Б.48.

⁴⁰ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2007. – Б.60-61

⁴¹ Превентив дипломатия – томонлар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ёки мавжуд муаммоларнинг ривожланишини тўхтатадиган дипломатик ҳатти-ҳаракат ҳисобланади.

⁴² Абу Бақр Муҳаммад ибн Абу Саҳл ас-Сарахсий Шамс ул-Аимма. Шарху ас-сияр ал-кабир. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://www.al-islam.com>. شرح السير الكبير. أبو بكر محمد بن أبي سهل السرخسي شمس الأئمة.

⁴³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б.58.

⁴⁴ Хожа Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-Мулук. - Т.: Адолат, 1997. – Б.100; Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б.58.

⁴⁵ Al-Mawardi. Al-Ahkam al-Sultaniyya wa'l-Wilayat al-Diniyya (The Ordinances of Government). Translated by Dr Asadullah Yate. – London: Ta-Ha Publishers Ltd, 1996. – P.155.

қўлланиладиган қонун-қоидалар тизимини шакллантирди. Хусусан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Сияр ул-кабир” асарида элчи ва унинг дахлсизлиги масаласига алоҳида тўхталган⁴⁶. Ушбу асар кейинги даврларгача етиб келмаган бўлсада, мовароуннаҳрлик Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий томонидан унга ёзилган шарҳ ҳозиргача сақланиб қолган. Тадқиқотчилар юқорида келтирилган масалаларни ўрганишда, асосан, ушбу шарҳга суянади. Асарни Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсий батафсил, дақиқ ҳукмларигача шарҳлашга ҳаракат қилган. Хусусан, элчининг мол ва ҳаёт дахлсизлиги, дин ва виждон эркинлиги, давлат чегараларини кесиб ўтишдаги имтиёзлари кўрсатиб берилган.

Элчиларга омонлик масаласида Сарахсийдан ташқари, мовароуннаҳрлик Бурҳониддин ал-Бухорий ҳам ўзининг “Ал-Муҳит ал-Бурҳаний” асарида фуруъул фикҳга оид истилоҳ сифатида тўхталиб ўтган. Муаллиф Сарахсийнинг “Давлат раҳбари элчига халқ ва ўзи номидан гапириши учун махсус ёрлик сифатида ишончнома бериши керак” фикрига асосан, ёрлик ёзма бўлиши шартлигини таъкидлайди⁴⁷. Омонлик давлат раҳбари томонидан берилиши ёки бу вазифа мазкур ҳудуднинг қозисига ҳам юклатилиши мумкинлигини келтиради. Бунда гувоҳларнинг ҳозир бўлиши шарт қилинган. Шунингдек, муаллиф ўз асарида ҳуқуқий формуляр ҳужжат сифатида омонлик келишувидан намуна берган⁴⁸. Бу каби ҳуқуқий ҳужжат замонавий дипломатик муносабатларида ҳам мавжуд бўлиб, уни Фавқуллода ва мухтор элчиларга ўз фоалиятларини бошлашлари учун давлат раҳбари томонидан тақдим этиладиган ишонч ёрликларига қиёслаш мумкин.

Шарҳ дипломатиясида элчи шахсига ҳар томонлама эътибор қаратилади ва у ниҳоятда мукамал бўлиши лозим эди. Бу ҳолат ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ғарб дипломатиясида ҳам элчи шахси муҳим ўрин тутсада, уни шахсий ҳислатлари асосий ўринга қўйилмайди. Хусусан, айрим замонавий дипломатларнинг фикрига кўра, аввало элчида муҳим стратегик қобилият бўлиши керак⁴⁹.

Диссертациянинг “VII-VIII асрларда Мовароуннаҳр ва араб-мусулмон давлати элчилик муносабатларининг ислом тарихига оид манбалардаги талқини” деб номланган иккинчи бобида илк ислом даврида дастлабки элчилик тизими ўзига хос хусусиятлари, марказлашган араб-мусулмон давлатида элчилик муносабатлари, Умавийлар ҳукмронлиги ва уларнинг Мовароуннаҳр билан муносабатлари каби масалалар ёритилган.

631/9 йилда Макка фатҳ этилгандан сўнг, чор атрофдаги қабила ва

⁴⁶ Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. Ал-жузъ ал-аввал. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Б. 44.

⁴⁷ Имом Бурҳониддин Абу ал-Маъалий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Манра ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ал-Муҳит ал-Бурҳаний фил фикҳи ал-Нўъманий. – Ж.8. – Байрут-Лубнан: Дар ул-кутуб ал-илмийя, 2004/1424. – С.130.

الإمام العلامة برهان الدين ابى المعالى محمد ابن احمد ابن عبد العزيز ابن مانرة البخارى الحنفى. المحيط البرهانى فى الفقه النعمانى

⁴⁸ Қаранг: Имом Бурҳониддин Абул-Маъолий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Манра ал-Бухорий ал-Ҳанафий. Ал-Муҳит ал-Бурҳаний. – Т.: Қўлғезмалар фонди. № 5853-рақамли қўлғезма. – С. 514а.

⁴⁹ Қаранг: Padelford N. J., Lincoln G. A. and Olvey L. D. The Dynamics of International Politics. 3rd edn. – New York: Macmillan Publishing, 1976. – P. 427; Фэльтхэм Р. Настольная книга дипломата. Перев. с англ. – Минск: Новое знание, 2000. – С.44.

уруғлардан Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурига оммавий тарзда элчилар ташриф буюрган⁵⁰. Шу боис ушбу йил ислом тарихида "Делегациялар йили" деб аталган⁵¹. Маълумотларга кўра, етмишдан ортиқ қабилалар ўз элчиларини юборган. Бу давр элчилигига хос хусусиятлар сифатида ислом динини кенг тарғиб қилиш мақсадида Византия, Форс, Миср, Ҳабашистон каби давлатларга мусулмон элчиларни жўнатиш, шунингдек, ён атрофдаги мамлакатларга имзо ва муҳр билан тасдиқланган расмий мактубларни юборишни келтириш мумкин.

Мактубларнинг умумий мазмуни бир хил бўлиб, матн басмала билан бошланган. Сўнг Муҳаммад (с.а.в.) ўзини пайғамбар сифатида таништириб, адресат исми кўрсатилган. Асосий мақсад ислом динини қабул қилиш таклифини билдириш бўлган. Бу мактублар кейинчалик халқаро дипломатик ёзишмалар учун формуляр вазифасини бажарган. Мактуб матнига басмала ва ҳамду санонинг кўшилиши йиллар давомида ривожланиб келаётган мактуботнинг янги тус олишига сабаб бўлди.

Илк ислом даврида ислом таълимотларига асосланган халқаро ҳуқуқий муносабатлар шаклланди. Бу тизимнинг асосчиси Муҳаммад (с.а.в.) бўлган. Мазкур муносабатлар Қуръони карим, сунна, ижмоъ, қиёс, урф-одатлар ва шариатга мувофиқ халқаро келишувларга асосланган⁵². Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ўрнатилган ўзаро муносабатлар ҳолати, тартиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар кейинги даврлар учун умумий қонуният вазифасини бажарди. Муҳаммад (с.а.в.) диний раҳнамо ва давлат ҳукмдори сифатида халқаро майдонга чиқди.

Ислом тарихи манбаларини тадқиқ қилиш асосида араб-мусулмон давлатининг элчилик миссияларига жавобан элчилар мустақил давлат сифатида тан олиш, ҳамкорлик қилиш, ислом динини ихтиёрий қабул қилиш, мусулмонларни ўз динига тарғиб қилиш, сулҳ эвазига ўлпон миқдорини белгилаш, суиқасд қилиш мақсадларида ташриф буюрганини кўриш мумкин⁵³.

Хориж тадқиқотчилари Муҳаммад (с.а.в.)нинг Мадинадаги сиёсий фаолияти борасида турли хил фикрларни билдирганлар. Масалан, америкалик Бернард Левис Мадина шаҳрига Муҳаммад (с.а.в.) томонидан диний тус

⁵⁰ Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. –Т.: Чўлпон-Камалак, 1992. – Б.173. Мазкур асарда келтирилган маълумотга кўра, йирик мамлакат бошлиқларига мактублар юбориш хижрий VII асрда бошланган деб таъкидланади.

⁵¹ Қаранг: Ибн Ҳишом. Ас-Сийрату ан-набавиййу. Ал-Жузъ ар-робийъ. 4/205. – С.213; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳаёт ва Ҳадис. Нубувват ва рисолат. – Б.440; Ибн Асир. Ал-камил фит-тарих. –Ж.2. – Б.142; Муҳаммад Хузарий. Нур-ул яқин. – Б.173; Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. – Б. 494–537; Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. – Ж.1. –Т.: Ҳилол-нашр, 2017. – Б. 303

⁵² Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ Бухорий: ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ. – Т.1,2. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. - Б.624, 712; Абдулмалик ал-Маъорифий ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-Набавия. –Т.1/Пайғамбар а.с. нинг ҳаёт йўллари. – Т.: Шарқ, 2011. - 616 б.

⁵³ Табарий. Тарих ат-Табарий (Тарих ал-умами ва ал-мулуки). – С.191; Ибн Асир. Ал-камил фит-тарих. 2-жуз. - С.200; Соғуний А. Тарихи Муҳаммадий. – Б. 494–537; Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Ҳаёт ва Ҳадис, Нубувват ва рисолат. – Б. 440, 449; Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 315.

берилган ўзига хос бир шаклдаги жамият сифатида қарайди⁵⁴. Англиялик Монтгомери Вотт эса Муҳаммад (с.а.в.)ни фақат диний раҳнамо сифатида эътироф этади ва унинг сиёсий фаолияти Бадр жангидан сўнг бошланган деб таъкидлайди⁵⁵. Тадқиқотчининг ушбу фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки у ўз тадқиқотида бир-бирига зид фактларни келтиради: биринчидан, Муҳаммад (с.а.в.)нинг сиёсий фаолиятини инкор этади; иккинчидан, унинг даслабки сиёсий фаолияти сифатида Макка фатҳини келтиради.

VII асрдаги Хулафои Рошидин номини олган илк марказлашган араб-мусулмон давлати ҳукмдорлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг вориси сифатида элчилик муносабатлар борасида жорий этилган умумий қонуниятларнинг деярли барчасига тўлиқ амал қилишга ҳаракат қилган⁵⁶. Бу даврдаги давлат ҳудудлари ниҳоятда кенгайди. Натижада, бошқа давлатларга нисбатан дор ул-ҳарб, дор ул-ислом ва дор ул-аҳд тушунчалари қўлланила бошланган. Ушбу тушунчалар асосида халқаро ҳуқуқий имтиёзлар даражаси белгиланган. Мазкур тушунчаларга қараб элчи билан боғлиқ омонлик, гувоҳлик, музокараларда иштирок этиш ҳуқуқи, ҳукмдор мактубини етказиш масалалари ҳал этилган⁵⁷.

Тўрт халифа даврида давлат аппарати ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиб, араб жамоаси мукаммал жамиятга айланганини айтиш мумкин. Бошқарув тизимига солиқ, ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, котиблик тизимида халқаро алоқаларга расмий тус бериш каби айрим сиёсий элементлар ўзлаштирилган. Илк ислом даврининг ташқи сиёсий фаолиятидаги элементлар бу даврга келиб, мукаммал сиёсий институтларга айланганини кўриш мумкин⁵⁸.

Тадқиқотнинг мазкур бобида VII аср охирида Умавийлар сулоласи ҳокимият тепасига келиши, Яқин Шарқнинг маркази сифатида Дамашқ билан Мовароуннаҳр ўртасидаги илк муносабатлар мазкур даврдан бошлангани⁵⁹, дастлабки элчилик муносабатлари араб-мусулмон давлатининг Марказий Осиёга қаратилган ҳарбий ҳаракатлари натижасида ўрнатилгани, бу муносабатлар Дамашқнинг Мовароуннаҳрдаги Бухоро, Самарқанд ва Хоразм шаҳарлари билан ўзаро алоқаларига асослангани ёритиб берилган⁶⁰.

Муовия ибн Абу Суфён (661- 680) давлатни халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) каби девонлар асосида бошқарган ва айрим қўшимча девонларни ташкил қилган. Улар мактублар, муҳрлар ва почта девони, шунингдек,

⁵⁴ Bernard Lewis. The Jews of Islam. –US.: Princeton University Press, 1984. – P. 44.

⁵⁵ Montgomery M.Watt. Muhammad: Prophet and Statesmen. –UK.: Oxford University, 1974. – P. 95, 96.

⁵⁶ Доктур Аъриф Ҳалил Абу Иъйд. Ал-Аълоқот ул-харижийяту фи давлат ил-хилафати. – Ал-Кувайт: Дар ул-арқам, 1983/1404. – С.148-149 (العلاقة الخرجية في دولة الخلافة) (الدكتور عارف خليل ابو عبد).

⁵⁷ Доктур Вахбату аз-Зухайлий. Ал-Аълақоту ад-давляту фил ислам. Муқоранату бил қануни ад-давлий ил-ҳадис. – Байрут: Ал-Рисала, 1997/1417. – С.103

(الدكتور وهبة الزحيلي. العلاقات الدولية في الاسلام. مقارنة القانون الدولي الحديث)

⁵⁸ Зоҳидов Қ.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлар (632-661). Тарих фан.ном. ...дисс. – Т.: ТИУ, 2004. – Б. 32; Шайх Саъид Муҳаммад Абдуллоҳ Таҳо Низал. Ал-Алақот ул-диплумасияту фи аҳди ил-Хулафои Рошидин. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://pulpit.alwatanvoice.com>.

الشيخ الدكتور سعيد محمد عبد الله طه نزال. العلاقات الدبلوماسية في عهد الخلفاء الراشدين

⁵⁹ Шайх Муҳаммад ал-Хузорий. Ад-Давлату ал-Умавийя (Муҳадороту фи тарих ал-Умами ал-Исламия). – Қоҳира: Ал-мухтор, 1424/2003. – С.432; Ибн Халдун. Абра тарихи Ибн Халдун. ЎМИ фондида № Д-341 (4889) рақами билан сақланаётган тошбосма манба. – Б. 40, 54. (عبر تاريخ ابن خلدون).

⁶⁰ Ибн Халдун. Абра тарихи Ибн Халдун. ЎМИ фондида № Д-341 (4889) рақами билан сақланаётган тошбосма манба. – Б. 59 (عبر تاريخ ابن خلدون).

котиблар низомидан иборат марказий девон эди⁶¹. Айрим манбаларга кўра, бу девонлар 3 гуруҳга: Арабистонда жойлашган ҳарбий девон, Ироқда жойлашган хирож (солиқ) девони ва мактублар ёки муҳрлар девонига бўлинган⁶². Айнан муҳрлар девони жўнатиладиган мактубларни таҳрир қилиш ва юбориш ишлари билан шуғулланган. Бу девонлар халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ва улар фаолиятини тартиблашда муҳим аҳамият касб этган.

Умавий халифаларнинг Мовароуннаҳрга қаратилган ҳарбий юришлари икки босқичда амалга оширилган бўлса, айнан шу даврда элчилик муносабатлари ҳам жадаллашган. Биринчи босқич халифа Муовия даврига тўғри келса, иккинчи босқич халифа ал-Валид даврида амалга оширилган. Бу даврда давлат бошқарув тизимида де-факто (амалда) маслаҳатчи вазифаси де-юре (юридик жиҳатдан) “вазир” лавозимлари жорий этилди⁶³. Бу эса элчилик муносабатларини ўрнатиш сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган. Шу ўринда Хуросонда ноиблик қилган мансабдор шахслар фаолиятида ҳарбий жиҳатлар устунроқ бўлганлигини ва дипломатик ёзишмаларда бу ҳолат ўз аксини топганлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот асосида Умавийлар давридаги дипломатик муносабатларнинг субъектлари, сафар миссияси ва сафар натижаларига қараб қўйидаги гуруҳларга ажратилди:

Умавийларнинг амир билан унинг жойлардаги ноиблари ўртасидаги ўзаро муносабатлари. Мазкур элчилик сафарлари ҳижрий 59-132 йиллар оралиғида 62⁶⁴ мартаба ва бу жараёнда 59⁶⁵ мартаба мактуб алмашинуви ҳижрий 72-132 йиллар орасида амалга оширилган.

Мовароуннаҳр ва Умавийлар ўртасидаги муносабатларда бир томондан Умавийлар давлати раҳбари амир (халифа), унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан Мовароуннаҳрнинг маҳаллий бошқарувчилари бўлган. Амир ва унинг ноиблари бевосита элчи сифатида иштирок этмаганлар, балки уларнинг ишончли вакиллари ёки яқин қариндошлари жўнатишган. Ҳижрий 59-119 йиллар оралиғида 19⁶⁶ марта элчилик сафарлари ва бу жараёнда 10⁶⁷ мартаба ёзишмалар амалга оширилгани маълум бўлган.

Маҳаллий бошқарувчилар ўртасидаги муносабатларни келтириш мумкин. Бунда Суғд, Тохаристон, Фарғона, Шош, Бухоро ва Хоразм каби давлат бошлиқлари ўртасидаги умумий ғанимга қарши қаратилган сулҳ, келишув, элчилик сафарлари ва мурожаатномалари кирган. Табарий

⁶¹ Шайх Саъид Муҳаммад Абдуллоҳ Таҳо Низал. Ал-Алақот ул-диплумасияту фи аҳдид давлатил исламият ил-Умавияти фи билад иш-Шам. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: m.maannnews.net.

العلاقات الدبلوماسية في عهد الدولة الإسلامية الأموية في بلاد الشام.

⁶² Шайх Муҳаммад ал-Хузорий. Ад-Давлату ал-Умавийя (Мухадороту фи тарих ал-Умами ал-Исламия). – С.432. Хузорий мазкур маълумотни келтиришда Табарий асаридаги ҳижрий 72 йилда бўлиб ўтган воқеалардан иқтибос келтиради (История ат-Табари / Пер. с араб. В.И. Беляева с допол. О.Г. Большакова, А.Б. Халидова. - С.48).

⁶³ Зоҳидов Қ.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661). Тар.фан.ном. ...дисс. – Т.: ТИУ, 2004. – Б. 32.

⁶⁴ Ҳижрий ҳисобда 59, 61, 72, 85, 90, 93, 95, 97, 99, 100, 104, 110, 112, 115, 117, 119, 121-132 йилларда элчилик сафарлари ташкил этилган.

⁶⁵ Ҳижрий 72, 85, 95, 97, 100, 104, 112, 117, 119, 121-132 йилларда ёзишмалар амалга оширилган.

⁶⁶ Ҳижрий 54, 80, 85, 87, 88, 90, 93, 98, 110, 119 йилларда элчилик сафарлари ташкил этилган.

⁶⁷ Ҳижрий 80, 87, 90, 98, 119 йилларда ёзишмалар амалга оширилган.

маълумотларига асосланган ҳолда, ҳижрий 90, 93, 103 йиллардаги 5 та элчилик сафарлари ва ҳижрий 85 ва 93 йиллардаги мактуб ва расмий ёзма ҳужжатлар бунга яққол далил бўла олади. Бу элчилик муносабатлари расмий элчилар томонидан ўрнатилган бўлса, сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган чопарлар томонидан ҳам муҳим етказмалар элтиб берилган. Улар ҳижрий 85-132 йиллар оралиғида 19 мартадан ортиқ жўнатилган. Шунингдек, босиб олиниши кўзланган худуднинг ҳарбий ҳолатидан хабардор бўлиш мақсадида 10 дан ортиқ жосуслар жўнатилган.

Халифа Ҳишом (724/105-743/125) давридан Аббосийларнинг ташвиқотлари кучайганини кўриш мумкин. Аксар элчилик сафарларининг асосий мақсади мана шунга қаратилган эди. Мовароуннаҳр ва мусулмон давлатлари ўртасидаги Аббосийлар ташвиқот юзасидан 40 тадан ортиқ элчилик сафарлари ҳижрий 102, 107, 108, 110, 119, 124, 128, 129, 130, 131 ва 132 йилларда амалга оширилган бўлиб, бу жараёнда 30 дан ортиқ ёзишмалар олиб борилган. Элчилик алоқаларининг асосий мазмуни Абу Аббос авлодларининг ҳукумат бошқарувида келганларидаги яратилган сиёсий имтиёзлар ва афзалликларни кўрсатиш бўлган. 738/120 йилга келиб, Наср ибн Саййор ибн Лайс⁶⁸ халифа Ҳишом томонидан Хуросон ноиби этиб тайинлангандан сўнг, Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона ва Шош каби йирик марказлари яна қайта Умавийлар қўлига ўтган⁶⁹.

Мазкур таҳлиллар асосида тадқиқотчи томонидан яратилган “VII-VIII асрлардаги Яқин Шарқ ва Мовароуннаҳр ўртасидаги элчилик муносабатлари”нинг умумий харитаси диссертацияда 13-рақам остида илова қилинган.

Диссертациянинг **“Аббосийлар даврида Мовароуннаҳрнинг Яқин Шарқ давлатлари билан элчилик алоқалари”** номли учинчи бобида VIII аср ўрталарига келиб, Яқин Шарқ худудидаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, Умавийлар ўрнига Аббосийлар ҳокимият тепасига келиши, Аббосийларнинг халқаро муносабатлардаги концептуал қоидалари, ташқи сиёсатни ривожлантиришдаги фаолияти таҳлил этилган. Шунингдек, уларни Мовароуннаҳрда ташкил топган мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар билан олиб борган ўзаро муносабатлари қиёсий тадқиқ этилган.

Умавийлар даврида давлат бошқаруви тизимида асосан учта девон фаолият юритган. Аббосийлар ички бошқарув тизимини тартибга солиш ва ташқи алоқаларни кучайтириш мақсадида қўшимча девонларни ташкил қилган. Хусусан, улар қаторига “Девони иншо”, “девони расоил”, “девони

⁶⁸ Наср ибн Саййор ибн Рофъ ал-Кинаний (46/666-131/748) - мудар қабиласининг Хуросондаги бошлиғи, араб қўмондони, шунингдек, 121/738-131/748 йиллар мобайнида Умавийларнинг Хуросондаги охириги ноиби бўлган. Абу Муслим ҳаракати билан тор-мор этилган. Унинг набираси Рофъ ибн Лайснинг қўзғалони туфайли Аббосийларнинг Хорун ар-Рашид исмли халифаси даврида Мовароуннаҳр қисман мустақилликка эришган (Абу Бакр Муҳаммад ибн Джафар ан-Наршахи. Тарихи Бухара. История Бухары. – С.342).

⁶⁹ Абу Бакр Муҳаммад ибн Джафар ан-Наршахи. Тарихи Бухара. История Бухары // Пер. и коммент. Ш.С.Камолиддина. – Т.: SMI-ASIA, 2011. – С.62; Ражабов Р. Ўзбекистондаги араблар тарихи ва этнографияси: XIX аср ўрталари - XXI аср бошлари / Р.Ражабов. Масъул муҳаррир Д.Зияева: ЎзФА, Тарих инс-ти. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.55.

барид”ни киритиш мумкин. Бу девонлар халқаро ёзишмаларни санъат даражасига кўтарилишига, элчини мақомини оширишга, элчи шахсига алоҳида эътибор қаратишга сабаб бўлган. Шу билан бирга, дипломатия тизимида фаолият юритадиган махсус лавозимлар, жумладан, шайх ул-амидни⁷⁰ жорий қилинишига олиб келган⁷¹.

Сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий жараёнлардан келиб чиқиб, элчиликнинг вазифаси, мақсадлари ўзгарган ва ваколатлари кенгайган. Хусусан, элчи зиммасига маҳаллий сулола вакиллари бошқаруви учун ишонч билдирилган мактубни етказиш, халифани янги лавозимга тайинлаш тўғрисидаги фармонини олиб бориш, суннийлар ва шиалар ўртасидаги сиёсий масалаларда ҳамкорлик қилиш каби вазифалар юклатилган. Мазкур жараёндаги элчилик муносабатларида исломий меъёрлар устунлик қилгани аниқланди⁷².

Мовароуннахр билан ёзма ва оғзаки муносабатлар араб тилида юритилган⁷³. Халифаликнинг Европа давлатлари билан алоқалари эса лотин тилида олиб борилганини кўриш мумкин. Тарихнинг бу даврида элчилик муносабатлари анча тараққий топиб⁷⁴, муносабатларда инсонпарварлик, ижтимоий тенглик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш каби умумэътироф этилган тамойиллар устуворлиги сезила бошлаган.

Элчиликка вазир, уламо, қози, ғазначи, котиб, ҳарбий кўшин кўмондонлари тайинланган. Улар орасида машҳур тарихий шахслар Шайх Сухравардий⁷⁵, Абу Муҳаммад Ҳошимий⁷⁶, Қафқол Шоший⁷⁷, Утбий⁷⁸, Абу Абдулкарим ас-Самъоний⁷⁹, Рашиддин Ватвот⁸⁰, Ибн Фадлон⁸¹лар бўлгани

⁷⁰ Шайх ул амид – бу элчилик қабули билан шуғулланувчи “Девони амид” вакили ҳисобланади.

⁷¹ Абу Лайс ас-Санухажий. Алақот ул-халифат ул-Аббасийи Ҳарун ар-Рашид бил-Ҳинд ва бис-Син. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: majles.alukah.net

(ابو الليث الصنهاجي. علاقة الخليفة العباسي هارون الرشيد بالهند و الصين)

Шайх Саъид Муҳаммад Абдуллох Таҳо Низал. Ал-алақот ул-диплумасияту фи аҳдид давлатил исламиятил Аббасия. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби:

الشيخ الدكتور سعيد محمد عبد الله طه نزال. العلاقات الدبلوماسية في عهد عهد الدولة الإسلامية العباسية

⁷² Шайх Муҳаммад ал-Хузорий. Ад-Давлату ал-Аббасийа (Тарих ал-Умами ал-Исламия). – С.63-65.

⁷³ Жуан Ҳмо. Ал-алақот уд-давляти фил ислам (Ал-аъсри ар-Рошидия вал аъср ил-Аббосия). [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: aga.yekiti-media.org. جوان حمو. العلاقات الدولية في الاسلام

⁷⁴ Мамадалиев Ҳ.М. IX-XII асрларда элчилик хазматини ташкил этишга доир айрим маълумотлар // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Ҳидирова Н.О. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. - Б.92.

⁷⁵ Бунятов З.М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097-1231). – М., 1986. – С.85.

⁷⁶ Абу-л-Фазл Байхаки. История Масъуда (1030-1041) / Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. – М., 1969. – С.113.

⁷⁷ Қаранг: Маннонов Б. Қафқол аш-Шоший ва унинг дипломатик фаолияти ҳақида // Ўзбекистон тарихи. – 2004. № 4. – Б. 25-34; Мухамедов Н.А. Абу Бакр Муҳаммад ал-Кафқол аш-Шошийнинг дипломатик муносабатлардаги иштирокига доир айрим мулоҳазалар // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Отахўжаев А.М., Ҳидирова Н.О. муҳарр. Остида. –Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. – Б.70.

⁷⁸ Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. –Т.: Фан, 1988. – С.31. Мазкур адабиётда ал-Утбийнинг “Тарих ал-Яминий” асаридан парчалар келтирилган; Қориев М. Ғазнавийлар. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 129-131.

⁷⁹ Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами / Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Ҳидирова Н.О. – Т.: Адабиёт учқунлари, 2016. - Б.103.

⁸⁰ Қосим Тўйсурқоний. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <https://www.rulit.me/authors/ad-din-vatvat-rashid>

⁸¹ Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Перевод и комментарии под ред. И.Ю.Крачковского. – М.: Академии наук СССР, 1939. – С.56.

диққатга сазовор.

Қафқол Шоший Аббосийлар халифаси Мутиъ (946/334-974/363)нинг Рим императори билан ёзишмаларида муҳим роль ўйнаган. Унинг заковати ва билими сабабли мусулмон дунёси Римга муносиб жавоб қайтара олган. Рим императори ҳам бу алломанинг билимига тан бериб, Тавротни таржима қилиб бериш таклифи билан халифага мурожаат этгани ҳақида маълумотлар сақланган. Шунингдек, мазкур халифа буйруғи билан Мовароуннаҳр ноибига эмас, балки Абу Мансур Мотуридий (870-944)⁸²га элчилик жўнатилган эди. Бу сафарнинг мақсади фатво етказиш бўлган. Элчи Мотуридийга номани топшириш мақсадида унинг Самарқанддаги боғига ташриф буюрган⁸³.

Халифалар томонидан Мовароуннаҳрга махсус элчилар ҳам юборилган. Улар қаторига Шайх Сухравардий⁸⁴, Абул Фазл Байҳақий⁸⁵, Абу Муҳаммад Ҳошимий⁸⁶, Ибн Фадлонларни⁸⁷ киритиш мумкин.

Мовароуннаҳрда ташкил топган Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатининг кучайиши, халифаликнинг заифлашиши ўзаро дипломатик алоқаларга маълум маънода таъсир кўрсатган. Бу даврга келиб, халифалар Мовароуннаҳр ҳукмдорларига мустақил ҳукмдор сифатида мурожаат қилишга мажбур бўлган⁸⁸.

Мовароуннаҳрда ташкил топган дастлабки мустақил Сомонийлар давлати нафақат Аббосийлар, балки Хитой билан Ғазнавийлар эса Ҳиндистон билан мустақил элчилик муносабати ўрнатган. Ғазнавий султонлар бошқа сулолаларга нисбатан самарали ташқи сиёсат юритган. Хусусан, бу ҳолат элчиларни тантанали ва дабдаба билан кутиб олиш маросимида яққол кўзга ташланади⁸⁹.

Хоразмшоҳлар сулоласининг кучайиши халифаларни уларга нисбатан ўта муросали сиёсат юритишига сабаб бўлган. Кўп ҳолларда Аббосийлар

⁸² Абу Жаъфар Мансур ибн Муҳаммад ибн Махмуд ал-Мотуридий ас-Самарқандий – Самарқанд шаҳридан чиққан калом илми мутафаккири, муфассир, сунний йўналиши раҳнамоларидан бири бўлиб, манбаларда буюк имом ва саййид деб келтирилади.

⁸³ Бартольд В.В. Мулҳакат ас-сурах // Соч. –Т. VIII. –М., 1973. – С.131. Қаранг: Джамал ал-Карши. Мулҳакат ас-сурах / Перевод с арабского и примечания Саидова Абдукаххора. - Душанбе: Ирфон, 2006. - 266 с; Қаранг: Джамал Карши. Мулҳакат ас-сурах. Рукопись Санкт-Петербургского Отд. ИВ АН РФ, В514 (430а), С 286).

⁸⁴ Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов Ануштагенидов (1097-1231). – М.,1986. – С.85

⁸⁵ Абу-л-Фазл Байҳақи. История Масъуда (1030-1041) / Перевод с персидского, введение, комментарий и приложения А.К.Арендса. – М.,1969. – С.382-383.

⁸⁶ Мамадалиев Ҳ.М. IX-XII асрларда элчилик хизматини ташкил этишга доир айрим маълумотлар // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Ҳидирова Н.О. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. – Б. 85.

⁸⁷ Путешествие Ибн Фадлана на Волгу / Перевод и комментарии под ред. И.Ю.Крачковского. – Москва: Академии наук СССР, 1939. –С.57; Ўзбек дипломатия тарихидан / М.М.Хайруллаев таҳрири остида. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2003. –Б.40-41; Мамадалиев Ҳ.М. IX-XII асрларда элчилик хизматини ташкил этишга доир айрим маълумотлар // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Масъул муҳаррир: Отахўжаев А.М., Ҳидирова Н.О. –Т.: Адабиёт учкунлари, 2016. – Б. 86.

⁸⁸ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Тарихи Бухара. История Бухары. – С.81; Шайх Муҳаммад ал-Хузорий. Ад-Давлату ал-Аббасийа (Тарих ал-Умами ал-Исламия). – С.270.

⁸⁹ Ибн Баттута. Саёҳатнома “Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор” / Масъул муҳаррир: Н.Иброҳимов. – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 42.

ташаббуси билан элчилик алоқалари амалга оширилган⁹⁰.

Мовароуннахрнинг VII-XII асрларга оид муносабатлар тарихида ички ва ташқи элчилик асосида алоқалар амалга оширилган. Унинг Яқин Шарқ билан алоқалари ички, бошқа қўшни давлатлар билан эса ташқи элчилик асосида муносабатлар ўрнатилган. Халифанинг ҳарбий ҳаракатлари қаратилган ҳудудларга унинг волийлари раҳбарлик қилган. Волийлар дастлаб халифанинг элчиси сифатида музокаларда иштирок этган ва кейинчалик элчи вилоят амирига айланган. Мазкур давр муносабатлари диссертацияда 14-рақам остида илова қилинган “IX-XII асрлардаги Яқин Шарқ ва Мовароуннахр ўртасидаги элчилик муносабатлари харитаси”да кўриш мумкин.

VII-XII асрларда ўрнатилган элчилик алоқалари минтақавий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилган. Элчилик муносабати иштирокчиларининг ҳамкорлиги асосида минтақавий дипломатия унсурлари шакллантирилган.

ХУЛОСА

Диссертацияда Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан VII-XII асрларда олиб борган элчилик муносабатлари илмий тадқиқ этилди. Мавзуга оид тарихий, сияр, фикҳий, ислом динининг бирламчи манбалари, тошбосма ва қўлёзма асарлар ҳамда маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг илмий таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. VII-XII асрларда Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари дипломатиясида “элчи” тушунчаси расул, вакил, ялавач ва ялафар кўринишларида қўлланилган. Шунингдек, расул сўзи нафақат пайғамбарга, балки фаришталар ёки муайян вазифани бажарувчи чопарга нисбатан ҳам ишлатилган;

2. Марказий Осиё ҳудудида Қадимги Хоразм, Бактрия, Суғдиёна каби давлатларнинг вужудга келиши ва Буюк Ипак йўлининг ўтиши халқаро алоқаларда муҳим ўрин тутган. Ўрта асрларда араб-мусулмон давлати пайдо бўлиш арафасида Марказий Осиёдаги Турк хоқонлиги, Суғд конфедерацияси ва Тохаристон давлатлари мавжуд эди. Улар қадимги давлатчилик анъаналарини давом эттирган ҳолда араб-мусулмон давлатидан фарқли равишда ўзига хос дипломатик тажрибага эга бўлган ва кейинги давр муносабатлари учун ижобий таъсир кўрсатган;

3. Арабистон ярим оролида ислом динининг пайдо бўлиши ва Муҳаммад (с.а.в.)ни пайғамбар сифатидаги фаолияти қўшни қабилаларга элчиларни юбориш заруратини туғдирган. Дастлабки элчиликлардан мақсад – маккалик мусулмонларга бошпана сўраш эди. Минтақавий хусусиятга эга бўлган элчилик кейинчалик диний ва сиёсий омиллар туфайли халқаро даражага кўтарилган;

4. Маккадан Мадинага кўчиб борган мусулмон муҳожирлар билан

⁹⁰ Бунятов З.М. Государство Харезмшахов Ануштагенидов (1097-1231). – М., 1986. – С.85; Кайковус. Қобуснома / Нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов. –Т.: Ўқитувчи, 2006. – Б.158; Қориев М. Ғазнавийлар. – Т.: Шарқ, 2007. – Б. 41.

маҳаллий аҳоли ансорлар ўртасида тузилган Мадина келишувини илк ислом дипломатиясининг муваффақияти сифатида баҳолаш мумкин. Илк ислом давридаги элчилик тизимини шаклланишига Мадина келишувидан ташқари Худайбия сулҳи ва “Байъат ал-Ризвон” туртки берган. Натижада элчи жонининг дахлсизлиги, ваколат ва имтиёзлари устувор қоида сифатида белгиланган;

5. Муҳаммад (с.а.в.)нинг Византия, Форс, Миср, Шом, Ҳабашистон ва Баҳрайн ҳукмдорларига юборган мактублари расмий характерга эга бўлиб, уларга муҳр босилган. Муҳрда “Муҳаммад Расул Аллоҳ” сўзлари ўйиб ёзилган. Матн “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” билан бошланиб, сўнг Муҳаммад (с.а.в.) ўзини пайғамбар сифатида таништирган. Шундан сўнгра адресат исми кўрсатилган. Бу мактублар кейинчалик халқаро дипломатик ёзишмалар учун формуляр вазифасини бажарган;

6. Умавийлар даврига келиб, Яқин Шарқ дипломатик муносабатларида бошқа давлатларга нисбатан дор ул-ҳарб, дор ул-ислом ва дор ул-аҳд тушунчалари қўлланила бошланган. Ушбу тушунчаларга қараб элчига омонлик бериш, гувоҳ келтириш, икки давлатга тегишли музокараларда иштирок этиш, ҳукмдор томонидан элчига махсус ишончнома ҳужжатини бериш каби масалалар ҳал этилган;

7. Умавийлар давридаги дипломатик алоқалар унинг субъектлари, сафар мақсади ва натижаларига қараб уч гуруҳга ажратилди:

а) халифа билан унинг жойлардаги ноиблари ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Бу жараёнда ҳижрий 59-132 йиллар оралиғида олтмиш икки мартаба ўзаро мактублар алмашинуви амалга оширилган;

б) Мовароуннаҳрдаги маҳаллий ҳукмдорлар билан халифа ўртасидаги алоқаларда ҳижрий 59-119 йиллар оралиғида ўн тўққиз мартаба сафарлар уюштирилган. Бу жараёнда ўн марта мактублар алмашинган. Шунингдек, Мовароуннаҳрга ўндан ортиқ жосуслар жўнатилган;

с) Суғд, Тохаристон, Фарғона, Шош, Бухоро ва Хоразм ҳукмдорлари ўртасида ҳижрий 85-132 йиллар оралиғида ўзаро ўн тўққиз мартадан ортиқ элчилик амалга оширилган;

8. Аббосийлар ички бошқарувни тартибга солиш ва ташқи алоқаларни кучайтириш мақсадида “девони иншо”, “девони расоил”, “девони барид”ни ташкил қилган. Бу девонлар халқаро ёзишмаларни бир тизимга солиш, элчининг мақоми ва ваколатини оширишга хизмат қилган. Дипломатия соҳасида янги махсус лавозим - шайх ул-амид жорий этилган;

9. Элчиликка вазир, уламо, қози, ғазначи, котиб, ҳарбий кўшин қўмондонлари тайинланган. Улар орасида машҳур тарихий шахслардан Шайх Сухравардий, Абу Муҳаммад Ҳошимий, Қафқол Шоший, Утбий, Абу Абдулқарим ас-Самъоний, Рашиддин Ватвот, Ибн Фадланлар ҳам фаолият юритган;

10. Мовароуннаҳрда халифаликдан мустақил тарзда IX-XII асрларда Сомонийлар, Ғазнавийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлати ташкил топган. Мазкур давлатларнинг Аббосийлар билан ўрнатган элчилик алоқалари минтақавий муаммоларни ҳал қилишга хизмат қилган. Уларнинг ҳамкорлиги асосида минтақавий дипломатия унсурлари шакллантирилган;

11. VII-XII асрларда Мовароуннахр билан Яқин Шарқ давлатлари ўртасидаги элчилик алоқалари превентив дипломатияга асосланган. Лекин шу билан биргаликда, элчилик муносабатлари замирида диний манфаатлар, бағрикенглик, умуминсоний қадриятлар, тенгҳуқуқлилиқ ва ўзаро ҳурмат каби тамойиллар ҳам устуворлик қилган.

Тадқиқот натижаларига таянган ҳолда ушбу мавзу бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. VII-XII асрларда Мовароуннахрнинг Яқин Шарқ мусулмон давлатлари билан олиб борган элчилик алоқаларини ўрганишда ислом динининг асосий манбалари: Қуръони карим, сунна, сияр, фикҳий асарлар тадқиқотга бирламчи манба сифатида жалб этилди. Чунки ушбу даврларда ёзилган тарихий асарлар мавзунинг моҳиятини етарли даражада очиб бермайди. Шу боис келгуси тадқиқотларда ушбу манбаларни тарихий асарларга солиштирган ҳолда ўрганиш, айрим сияр ва фикҳий асарларни қўлёзма нусхаларидан фойдаланган ҳолда ўзбек тилидаги таржима вариантлари (нусхалари)ни яратиш;

2. 2018 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташқи сиёсий фаолиятни тубдан ислоҳ қилиш таклифига биноан, хориж давлатларида фаолият юритаётган элчиларнинг билим даражаси, иқтидори, шахсий фазилатларини қайта кўриб чиқиш ва муносибларини танлаш долзарб вазифага айланди. Шунга кўра, уларнинг дипломатик иқтидорлари, дунёқарашлари ва фаолиятини мониторинг қилиб боровчи муайян тизим ҳамда унга асос бўлувчи миллий дастур ишлаб чиқиш;

3. Давлат ҳукмдорлари учун ёзилган панднома асарларда бошқа мансабдор шахслар билан биргаликда элчи шахсига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Лекин ушбу асарларнинг аксарияти араб, форс, туркий тилларда ёзилган бўлиб, ҳозиргача махсус ёки алоҳида тадқиқ этилмаган. Шу боис уларни ўрганиш мақсадида ЎзР ФА Тарих институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари билан ҳамкорликда махсус инновацион лойиҳалар ҳамда PhD ва DSc тадқиқотларини амалга ошириш;

4. Ислום дини бағрикенг дин эканлиги ва бу ҳолат халқаро дипломатик муносабатлар тарихида ҳам акс этганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий диний таълим муассасаларида “Ислום халқаро муносабатлари”, “Ислום дипломатияси тарихи” каби фанларни киритиш ҳамда бу йўналишларда бакалаврият ва магистратурада мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 26.04.2018. Isl/Tar. 57.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ МЕЖДУНАРОДНОЙ ИСЛАМСКОЙ
АКАДЕМИИ УЗБЕКИСТАНА**

МЕЖДУНАРОДНАЯ ИСЛАМСКАЯ АКАДЕМИЯ УЗБЕКИСТАНА

ИБРАГИМОВА НОЗИМА КАМИЛЖАНОВНА

**ПОСОЛЬСКИЕ ОТНОШЕНИЯ МАВАРАННАХРА
И БЛИЖНЕГО ВОСТОКА В ИСТОЧНИКАХ VII – XII ВВ.
ПО ИСТОРИИ ИСЛАМА**

24.00.01- История и источниковедение ислама

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ
НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2019.1.DhD/Tar166.

Диссертация выполнена в Международной исламской академии Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.ИАУ.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Агзамходжаев Саидакбар Саидович**
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мунавваров Зохидилло Иномходжаевич**
доктор политических наук, профессор

Хидирова Наргиза Уриновна
кандидат исторических наук, доцент

Ведущая организация: **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 26.04.2018. Isl/Tar 57.01 при Международной исламской академии Узбекистана (Адрес: 100011, город Ташкент, улица А.Кадыри, 11. Тел.: (99871) 244 94 70, факс: (99871) 2440065, e-mail: info@ИАУ.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Международной исламской академии Узбекистана (зарегистрировано за №___). (Адрес: 100011, город Ташкент, улица А.Кадыри, 11. Тел.: (99871) 244 94 70, Факс: (99871) 244 00 65).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2019 года)

Ш.А.Ёвқочев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Д.А.Рахимджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н., доцент

Н.Г.Низаметдинов

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Ускоренная глобализация современного мирового сообщества тесно связана с историческими корнями скоррелированных отношений. Мавараннахр¹ признан регионом высокоразвитых областей науки, родиной великих мыслителей и центром исламской цивилизации. Следует отметить, что развитие науки о Мавараннахре в средние века было обусловлено сложившимися отношениями с Ближним Востоком², в частности с отношениями посольств. Посол, придерживающийся мирного решения самых разных вопросов, способный мужественно работать на международной арене, применяя все свои знания и потенциал, должен был иметь академический уровень интеллектуальной подготовки и широкие перспективы, а также быть в какой-то мере предпринимателем и в Средние века. В связи с этим отдельное изучение исторического фона этих взаимоотношений, особенно средневековых процессов, является актуальным вопросом, что является первой попыткой исследования.

Проводятся исследования по теоретическим и практическим вопросам истории посольских отношений в мире по истории дружеских отношений между разными периодами и регионами. Основное внимание в этих исследованиях уделяется анализу дипломатических отношений между ранней исламской эпохой, дипломатией Омаядов, политическими, социальными, экономическими и правовыми основами эпохи Аббасидов и их эволюционными этапами развития.

В последние годы Республика Узбекистан активно участвует в решении международных проблем наряду с развитыми странами. Личность посла играет важную роль в качестве эффективного субъекта данной внешней политики. В частности, послу уделяется внимание на государственном уровне, «...это слово означает человека, представляющего народ, людей, и того, кто соединяет страны». В то же время важно то, что в «углублении дипломатических отношений в самых глубоких слоях нашей истории» и «... есть много исторических фактов о наших знаменитых предках, которые являются известными и опытными дипломатами и

¹ Мавараннахр ما وراء النهر означает то что «за рекой». Условно можно включить земли между реками Амударья и Сырдарья. Этот географический термин означал в шестом веке до ислама, земли Жайхун, то есть земли за Амударьей принадлежащие тюркскому ханству на северо-востоке Сасанидов. Якт Хамав назвал Мавараннахр "Туронской землей". Во второй половине VII и начале VIII века относительно этого региона использовали термины Мавараннахр или Мадунанахр. Географическая территория была включена в Тюркское ханство до VII века, в Хорасан в VII-X веках, в Туркестан с начала XI века, и в Хорезм в конце XII века и в начале XIII века. См. Шамсиддин Камалиддин. Мавараннахр // Национальная энциклопедия Узбекистана. Первый том. М. в письме. - Т.: ОЕМЕ, 2000. - В.659; [Электронный ресурс]: uz.m.wikipedia.org.

² В настоящее время на Ближнем Востоке находятся такие страны, как Египет, Судан, Бахрейн, Ирак, Израиль, Палестина, Объединенные Арабские Эмираты, Кувейт и Катар. Основываясь на хронологических границах исследования, исследует отношения между Мавараннахром и городом Дамаск в Сирии VII-VIII веках и отношениями между Багдадом в Ираке IX-XII веками. См. [Электронный ресурс]: uz.m.wikipedia.org.

послами»³. Большинство исследований по вопросам посольских отношений в истории Узбекистана включают период начала XVI и XX веков и периоды независимости. К сожалению, формирование и развитие посольских отношений с мусульманскими странами на Ближнем Востоке в историческом плане отдельно не изучалось. В данной диссертации мы посчитали целесообразным осуществить исследование следующих, на сегодняшний день еще не раскрытых моментов: история внешнеполитической деятельности Мавараннахра в VII-XII веках, эмпирические и представительские отношения с мусульманскими странами в условиях арабского халифата, мирные договоры и роли послов. В наших исследованиях мы исходим из первоисточников ислама, исторических и сияр (биографических) произведений.

Актуальность диссертации безусловно подкрепляется тем фактом, что материалы исследования в определенной степени будут способствовать выполнению задач, обозначенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2855 от 27 марта 2017 года “О мерах по созданию Международного научно-исследовательского центра Имама Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан”, в ПП-3080 от 23 июня 2017 года “О мерах по созданию Центра исламской культуры Узбекистана при Кабинете Министров Республики Узбекистан”, в Указе Президента Республики Узбекистан ПП-5046 от 19 мая 2017 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами” и в ПП-5400 от 5 апреля 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию системы Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и усилению его ответственности за реализацию приоритетных направлений внешнеполитической и внешнеэкономической деятельности”, в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах и других указах и нормативных актах, касающихся международных отношений.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики ИТД-1 “Духовно-нравственное и культурное развитие общества, исследование национальных ценностей, национальной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, последовательности и непрерывности образования, воспитания гармонично развитого поколения”.

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы, литературу и статьи по теме можно разделить на три группы: советский период, исследования периода независимости и зарубежные исследования.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш – дипломатик корпусимизнинг асосий вазифасидир. 12.01.2018. [Электронный ресурс]. [http://uza.uz/oz/politics; http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-manfaatlarini](http://uza.uz/oz/politics;http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-manfaatlarini);

В списке литературы и проведенных исследований советского периода в основном можно перечислить работы таких ученых, как И. Ю. Крачковский, Е. А. Беляев, П. А. Грязневич, О. Г. Большаков, М. Б. Пиотровский, А. Б. Халидов, В. В. Бартольд, З. М. Бунятов⁴. В них в основном нашли отражение формирование мусульманских государств на Арабском полуострове, государственный строй, первые дипломатические отношения, а также изложены ценные сведения о централизованном арабо-мусульманском государстве во времена зарождения ислама и в период Омайядов, посольской деятельности во времена правления Ануштегин Хорезмшахов.

